


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
ПЕШКУ ТУМАНИ 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 март 78-Ф-сонли фармоиши асосида ташкил этилди.

КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ДАСТУРИЙ ҚЎМИТАСИ

Б.К.Зарипов	-	Бухоро вилояти ҳокими
М.М.Холмухаммедов	-	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ўринбосари
Т. Р.Чориев	-	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.
К.М.Муқимов	-	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги
Ҳ. Ҳ.Қобилов	-	Бухоро вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси бошлиғи:
З.Я.Худайбердиев	-	Педагогик инновациялар касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори
О.Х.Хамидов	-	Бухоро давлат университети ректори.
Н.Р.Баракаев	-	Бухоро мұхандислик техналогия институти ректори.
Ш.Ж.Тешаев	-	Бухоро давлат тиббиёт институти ректори.
Ш.Ж.Имомов	-	Тошкент ирригация ва меллиорация институти Бухоро вилояти филиали директори техника фанлари доктори профессор
Н.А Нуралиев	-	Тиббиёт фанлари доктори, профессор
О.С.Қаххоров	-	Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
Б.Р.Адизов	-	Бухоро давлат университети хузуридаги ПКҚТ МО минтақавий марказ директори, п.ф.д.,профессор
М.З.Шарипов	-	Бухоро мұхандислик техналогия институти илмий ишлар проректори
Ш.Ш.Олимов	-	Бухоро давлат университети педагогика кафедраси мудири педагогика фанлари доктори профессор
Д.Р.Рахматуллаева	-	Педагогик инновациялар институтининг “Таълимда бошқарув” кафедраси доценти, п.ф.ф.д
Я.Я.Рахматов	-	Бухоро вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
Ш.А.Ҳайитов	-	Бухоро давлат университети жаҳон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
Ҳ.Ҳ.Ҳакимжонова	-	Педагогик инновациялар институти, “Таълимда бошқарув” кафедраси катта ўқитувчisi
М.Ҳ. Махмудов	-	Бухоро давлат университети профессори п.ф.д
Б.Ҳ.Махмудов	-	Пешку туман 2-сон касб-хунар мактаби директори.
Б.Қ.Хўжаев	-	Бухоро давлат университети Педагогика кафедраси доценти, п.ф.н
Э.М.Мухторов	-	Бухоро давлат университети педагогика факултети декани психология фанлари номзоди
С.Қ.Қаххоров	-	Бухоро давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси
Н.Бекова	-	Бухоро давлат университети Ўзбек филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚҮМИТАСИ

В.Х.Қаххоров	-	Бухоро вилояти Пешқу тумани ҳокими
А.Э.Холиев	-	Биалогия фанлари доктори профессор
Э.Д. Ниёзов	-	Бухоро Давлат университети Табиий фанлар факультети декани
Х.Т.Аvezov	-	Кимё фанлари номзоди доцент
З.И.Нуриллоев	-	Бухоро мухандислик-технология институти. Кимё кафедраси ўқитувчиси. техника фанлари фалсафа доктори(PhD)
С.АМухаммадов	-	Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Бухоро вилоят худудий бошқармаси Методик хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи.
С.Х.Имомова	-	Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Бухоро вилоят худудий бошқармаси бош методист маслаҳатчиси
Н.Ф. Норов	-	Пешқу туман 2-сон касб-хунар мактаби ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.
Н.Сайдов	-	Пешқу лимончилик равнақи фермер хўжалиги раҳбари
С.Жумаева	-	Пешқу туман “Малшояк” фермер хўжалиги раҳбари
М.Бозоров	-	Пешқу туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
Қ. Р.Тўхсанов	-	Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари номзоди.
Г. Ҳасанова	-	Бухоро мухандислик техналогия институти доценти.
Б.Т.Жураев	-	Бухоро давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси
Б.Эшонқулов	-	Пешқу туман 2-сон касб-хунар мактаби ўқув ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари.
Ҳ. Адизова	-	Бухоро давлат университети ўқитувчиси.
Ш.Абдиев		Пешқу туман 2-сон касб-хунар мактаби ЁБИБДМ
Ж.Мажидов	-	Бухоро давлат университети жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Масъул муҳаррир:
Олимов Ш.Ш.,
педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Қ.Р.Тўхсанов
филология фанлари номзоди, доцент

Н.Бекова,
филология фанлари номзоди, доцент

1910-yilda Yangi Buxoroda 8ta paxta tozalash zavodi, 1914-yilda 1ta yog' ishlab chiqaruvchi zavodi borligi ta'kidlanadi⁵⁷.

Amirlikda shu bilan biraga ip yigirish, charm mahsulotlari ishlab chiqarish shoyi gazlamalar ishlab chiqariladigan korxonalar ham faoliyat ko'satgan.

Xulosa qilib shuni aytish lozimki faoliyat ko'satgan mazkur zavod va fabrikalarning deyarli barchasi rus kapitalistlari uchun xizmat qilib asosan xomashyoga dastlabki ishlov berish bilan shug'ullangan. Uni tayyor mahsulotga aylantirishni esa, Rossiyaning markaziy shaharlarida amalgam oshirilgan. Lekin shunday bo'lsada amirlik iqtisodiyotiga rus kapitali va sanoatining kirib kelishi Buxoroning Orta Osiyodagi yirik savdo markaziga aylanishini ta'minlagan.

Республикамиз музейларининг тараққиётида замонавий инновациялар

**Бду Тарих ва маданий мерос факультети
Бухоро тарихи кафедраси катта
ўқитувчиси Б.Болтаев**

Ўзбекистонда музейлар жамиятнинг маънавий савиясини оширишга хизмат қилувчи ижтимоий-маданий институт сифатида алоҳида ўрин тутади. Зеро, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига халқимизнинг бой миллий маданий мероси ва тарихий ўтмишига ҳурмат ҳиссини сингдиришда музейларнинг роли ниҳоятда катта. Шу жиҳатдан “музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шаклларини яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш”⁵⁸ бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифалар ўз навбатида илмий-назарий

⁵⁷ Кнопка С.Р. Туркестанский край. Т.: 1920. –С. 19.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сонли “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Lex.uz.

жиҳатдан музейшунослик ва музейлар тарихига доир тадқиқотларни кенгайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар сратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сонли “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилиб келмоқда. Ўзбекистонда музей иши тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар, асосан, Н.Содикованинг монографиясида ва бошқа илмий ишларида акс эттирилган. Ўзбекистонда музейларга бўлган эътиборнинг кучайганлиги, янги музейларнинг ташкил топиши, хорижий давлатлар билан маданий алоқаларни ўрнатишда музейлар ролининг ортиб бориши масалалари Р.В.Альмеев, Л.Левтеева, Д.Т.Курязова, Ш.М.Ўлжаева тадқиқотларида ўз ифодасини топган⁵⁹.

Ўзбекистон музейларини замонавий технологиялар ёрдамида такомиллаштириш, экспонатларни музей сайтларига жойлаштириш ва улар орқали ёшларнинг маънавий-ахлоқий савиясини ошириш, уларнинг онгиди миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш борасида берилган амалий тавсиялардан кенг фойдаланилмоқда. Музейларни давр талабидан келиб чиқсан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг қиёфасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаган ҳолда замонавий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўлларини бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади⁶⁰.

Замонавий музей ишини такомиллаштиришнинг энг асосий омилларидан бири бу – кадрлар тайёрлаш, музей ходимларининг замонавий ахборот

⁵⁹Садыкова Н. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975: Ўша муаллиф. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 270 б:

⁶⁰Хабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим / Ўзбекистон музейлари истоқболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.

технологияларини ўзлаштириши ҳамда маҳсус дастур яратилиши ёки сотиб олинишидан иборатдир⁶¹.

Истиқлол йилларида тарихий шаҳарлар янгича чирой очиб, замонавийлашиб бораётганлиги муносабати билан қадимий шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Натижада Хива, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Тошкент каби шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг чегаралари аниқ белгилаб қўйилди⁶². Бу Ўзбекистоннинг қадимги Шарқ ҳамда Ғарб цивилизацияларида тутган ўрнини ва жаҳон цивилизацияси ривожига кўрсатган таъсирини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда туризмни юксалтириш, уни хизматлар экспортининг асосий омилига айлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири – тармоқда инновацион жараёнларни кучайтиришдан иборат. Ўзбекистонда туризмни инновацион асосда ривожлантириш, сайёҳларнинг тарихий шаҳарларга бўлган қизиқишини кучайтиришда виртуал намойишлар, мультимедик дастурлардан фойдаланиш йўлга қўйиб борилмоқда. Соҳани ривожлантиришда айнан инновациялар билан боғлиқ бир қанча имкониятлар амалга ошаётгани Ўзбекистонда фаолият юритаётган туристик фирмаларнинг Интернет саҳифасига тарихий шаҳарларимиз ҳақидаги маълумотлар киритилгани билан изоҳланади.⁶³ Таъкидлаш жоизки, сайёҳлик фақат маълум бир маданий обьект ёки тарихий обидалар ҳисобига ривожланиб қолмайди, балки соҳа тараққиёти инфратузилмалар, шарт-шароит ва эътиборга ҳам бевосита боғлиқдир.

⁶¹Альмеев Р. Музей жамғармаларини оптималлаштириш, сақлаш ва кўргазмалаштириш // Мозийдан садо. 2(38) – Тошкент: 2008. Б-2-3.

⁶²Абдурахимов Б. Тарихий мерос – миллий истиқлол мағкурасининг пойдевори // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. – №3. – Б.7.

⁶³<http://www.discoverger.uz>, <http://www.trevalsstory.uz>, <http://www.asia-travel.uz>.

АЗИМОВА Н.Э., НАСИМОВА З.И. Дуал таълим тамойилларига асосланган профессионал таълим дастурларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.	357
ЖУРАЕВ Б.Т. Педагогик мулоқот касбий компетентликнинг муҳим омили	360
САИДОВ О.Қ. Фармация йўналишида дуал таълимни ташкил этиш	362
MAXMUDOVA N. Ta’lim jarayonida didaktik vositalardan foydalanishning qulay shart-sharoitlari	365
MAJIDOV J.J., RAJABOVA G.E. . O`rta osiyo jadidlarining yangi usul mакtablari faoliyatidan lavhalar	368
QUDRATOV Sh.Yo. Buxoro amirligida Rossiya sanoat korxonalari	375
БОЛТАЕВ Б.Б. Республикализ музейларининг тараққиётида замонавий инновациялар	378
ЭРГАШЕВА М.Р. Туркистон маърифатпарварларининг қарашларида баркамол ёшлар таълим тарбияси	380
ЖУМАЕВА М. Юртимиздаги қадимги оловли уйлар	384
БАХТИЁРОВ Б. Ёшларни Ватанга мухаббат руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни ва аҳамияти.	387